



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил
3 июль
ШАНБА
№ 52
(12.272)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ
ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолнинг ҳар бир санаи янги тарихимиз соҳнасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намунаси, эркин, озода ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-иштирокимиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлоднинг қалбига она юрт туپроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланиган аъёнларнинг узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давра мобайнида барча соҳа ва тармоқларда кўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбига даққура қилиб қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг тарқиб иловаса мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта мuddатда "Бу муқаддас Ватанда азиз-дир инсон" деган эзгу гояни ўзига муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қўйиладиган масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин.

Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиё-

сий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташкилот ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш; мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақиллигимиз бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши, одамларимизнинг дунёқараш тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар тўғрилиб бераётганини, ҳар бир юрtdошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-маъмунига теран сингдириш;

биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юрtdошимиз кенг қўламли ишхўрлар янги босқичда давом эттириляётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришяётган амалий натижаларини кўрсатиш.

ри, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этиляётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадвий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нурони" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

(Давоми 2-бетда).

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ТАШАББУСИДАН
ЭЛ МАМНУН

Халқимизда "Излаган имкон топади", деган нақл бор. Чинозлик фермер Қалмон Эргашев ана шу нақлга амали қилиб, бугун катта ютуқларга эришиб келаётир.

Фермер хўжалиги бундан 14 йил аввал 30 гектар ерда фаолият бошлаган эди. Бугун эса хўжалигининг 74 гектар ер майдони бор. Бу йил фермер хўжалиги 32 гектар майдонда пахта, 34 гектарда эса бугдой етиштирди. Қуни кеча хўжалик аъзолари давлатда дон сотиш шартнома режасини олтириш билан баҳариб, эл-юрт хирмонига 108 тонна сара дон топширидилар.

Фермернинг ўғзалари ривожини ҳам тобиди. Жорий йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш ниятида. Фақат шугина эмас, яқинда фермер уй бекаларини бандликка жалб этиш мақсадида банкдан олган 28 миллион сўм кредити ҳисобига ҳар берида 20 дон парранда боқиладиган 50 та товуқхона қурди. Шу билан бирга 1500 донга жўжа сотиб олди.

– Шу кунларда товуқхона ва жўжалар 37 хонадонга тарқатилди, – дейди фермер Қалмон Эргашев. – Шунингдек, хонадонлар бир йилга етадиган ем, дори воситалари билан таъминланди, ҳатто уларга ветеринария хизмати кўрсатишни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг эвазига уй бекалари олингандаги туҳмунинг ярмини хўжалигимизга топширади, холос.

Бугун «Ёввош» маҳалласида 50 нафар киши шу тахлит иш ўрнига эга бўлди. Бундан маҳалла аҳли мамнун.

СУРАТДА: фермер Қалмон Эргашев.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

БОЗОРДА АВТОУЛОВ
ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Автотранспорт воситаларининг сони ошиши, лекин бозорлар ҳудудига автоуловларни қисқа муддатли сақлаш жойлари деярли йўқлиги натижасида, автоуловларни бетартиб равишда, қаровсиз қолдириб кетиш ва вилоят бозорларига кириб-чиқувчи фуқаролар ҳаракатига ҳалақит бериш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилиш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2010 йил 4 майдаги мажлиси қарори асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг тегишли бандига биноан бозорлар теварагидаги техникалар ва пийда фуқаролар ҳаракатларини хавфсизлигини таъминлаш, бозорлар ҳудудига кириб-чиқиш учун қўлайликлар яратиш, мазкур хизматлар сифатини ошириш мақсадида вилоят ҳокими "Автотранспорт воситаларининг қисқа муддатли вақтинчалик сақлаш жойларини (парковка) тартибга солиш ва кўрсатилган пулли хизматлардан олинган даромадни бюджетга йўналтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.

Унга кўра юқорида номлари тилга олинган қарорлар ҳамда чора-тадбирлар режаси маълумот ва ихро учун қабул қилинди.

Вилоят бозорлари теварагида қолдириб кетиляётган транспорт воситалари жойлашувини тартибга солиш, пийда фуқаролар ҳаракатларини хавфсизлигини таъминлаш, бозорлар ҳудудига кириб-чиқиш учун қўлайликлар яратиш, бозорлар даромадини ошириш ҳамда мажбурий ҳаракатларини қоллаш юзасидан "Тошвилоятбозорсавдо"

уюшмасининг 2010 йил 24 март ва 11 июндаги мувожаатлари иноватта олиниб, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига вилоят Ички ишлар, Архитектура ва қурилиш, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари билан биргаликда бозорларга келиб савдо қилувчилар ва харидорлар автоуловларини қисқа муддатли сақлаш жойларини ташкил қилиш мақсадида бозорларга ёндош бўлган қўчалардан маълум қисмини, кўрсатилган мақсад учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори иловасига мувофиқ 10 кун муддатда бозорларга бириктириб берилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. "Тошвилоятбозорсавдо" уюшмасига эса ажратилган ушбу ер майдонларида қисқа муддатларда тегишли инфратузилмалар яратиш топширилди. Бу жойларда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар вилоят ҳокимининг 2010 йил 1 апрелдаги қарори 2-илоvasи 14-бандидаги чекланган миқдорига мувофиқ ундирилиши белгилан қўйилди.

Шунингдек, вилоят Давлат солиқ бошқармасига бозорларга ёндош ҳудудларда ташкил этиляётган автоуловларни қисқа муддатли сақлаш жойларини хатловдан ўтказиб, уларда кўрсатилган пулли хизматларнинг 50 фоизини белгиланган тартибда бюджет даромадларига тўлиқ ўтказиб борилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

БУНИ ҚАРАНГ-А!

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ-Ю
ШАРТИ УНУТИЛДИМИ?

Кинининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс. У халқнинг маънавиятини юксалтиришга, миллий урф-одатлар, қадриятларини дунёга тараннум этишга улкан ҳисса қўшади.

Истиқлол йилларида миллий кинематография ҳар томонлама ривожлантирилиб, зарур моддий шарт-шароитлар яратилгани тўғрисида тарихимизда кўп қўлдан келган. Бундан "Ўзбекино" Миллий агентлигининг хизмати катта.

Агентлигининг вилоят бўлими республика Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг

тегишли қарорларига биноан тузилган. Ташкил топганига оз фурсат бўлса-да, агентлик айтишга арзигulik ишларни амалга оширди.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам турли тадбирлар, давра суҳбатлари, киноижодкорлар, мухлисларнинг сеvimли қаҳрамонлари билан ижодий кечалар уюштирилмоқда. Яқинда Тошкент тумани агросаноат ва бизнес касб-хўна қоллежиди Илмира Раҳимжоновна, Улғубек Юнусов билан бўлган учрашув иштирокчиларнинг фаолигида қизгин ва марокли ўтди.

Шунингдек, агентликда ёшларнинг маънавий-ахло-

қий тарбиясини янада ошириш, улар орасидаги турли жиноятларнинг олдини олишга қаратилган иш режаси тузилган бўлиб, шу жадал асосида Охангарон, Чирчиқ, Бекбод шаҳарларидаги, Пискент, Қўйиқирғиқ, Чиноз, Зангиота туманларидаги қатор касб-хўна қоллежларида тадбирлар ўтказилиб, мавзуларга доир фильмлар намойиш қилинди.

"Ўзбекино" ижодкорлари меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларга шодлик улашиш мақсадида бундай муассасаларга ҳам тез-тез ташриф буюрилади. Чирчиқ шаҳридаги 14- ва Бўқўш туманидаги 15-меҳрибонлик уйларида намойиш этилган "Шатранж мамлакатига сажат" бадийий фильм болаларларга олам-олам қувонч бахш этди.

(Давоми 4-бетда).

МАКТАБ ЎҚУВ
ЙИЛИГА ШАЙ

Ўртачирчиқ туманидаги Янги турмуш қишлоқ фуқаролар йиғини «Кўтарма» маҳалласига 30-умумтаълим мактаби янги ўқув йилига тахт қилинди.

Мактаб атрофи ободонлаштирилди, йўлаклар тартибга келтирилди. Турли манзарали да-рахтлар ва гуллар экилди. Хоналарнинг девор, пол ва қолган жиҳозлари бўялди.

Мактабимиз марказдаги ўқув масканларидан қилинмайди, – дейди директор Саидлуқмон Убайдуллоев. – Барча қўлайликлар мўжайё, қолаверса, ўқувчиларга олий маълумотли, малакали ўқитувчилар билим беради.

Муҳиддин ЗУХРИДДИНОВ.

«ЯНГИОБОД»ДА
ЯНГИЛИК КЎП

Қибрай туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини мажмуаси фаолларнинг сай-ҳаракатлари билан тўла таъмирланди.

– Мажмуада барча қўлайликлар яратилган, – дейди йиғин раиси Аваз Ибрагимов. – Хоналар зарур жиҳозлар, адабиётлар, тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган. Энди бу ерда турли тадбир ва учрашувларни уюштирсак ҳам бўлади.

Келгусида фаоллар раис билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни касб-хўнага ўргатиш мақсадида тикув чехи барпо этишни режалаштирмоқдалар.

Ирода МАКСУД қизи.

Республика маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, урта махсус, касб-хўна таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Янгиўла шаҳридаги тиббиёт коллежиди "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ўтказилди.

ОЛМАЛИҚДА
УЧРАШГУНЧА

Худудий саралаш босқичида Янгиўла шаҳрининг "Дийдор", Зангиота туманининг "Бирга бир – ўн бир" ва Бўстонлиқ туманининг "Дўстлар" жамоалари голиблик учун ўзаро беллашдилар. Улар ташриф, миниатюра ва эстрада театри, мусиқий чиқиш каби шартларни баҳарлашди.

Яқини натижаларга кўра, ҳар учала жамоага вилоят финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Энди худудий босқичлардан юқори балл тўплаган 6 жамоа танловнинг вилоят босқичида беллашадиган бўлди. Булар Олмаликнинг "Дилқасдлар", Бўстонлиқнинг "Дўстлар", Бекбоднинг "Баркамол ёшлар", Янгиўланинг "Дийдор", Бўстонлиқнинг "Бирга бир – ўн бир" жамоалари. Вилоят босқичи 15 июль кўни Олмалик шаҳрида бўлиб ўтади.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ
ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмийлик ва бадалларвозлик ҳолатларида йўл қўймасдан, кенг жамоатчиликнинг вакиллари жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга ошириладигани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб босин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юқсак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиклолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусика асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекинав" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Нихол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август

ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгиланган кўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қолланиди.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2010 йил 30 июль.

ҒАЛЛА – 2010



ФЕРМЕР КОМБАЙНЛИ БЎЛДИ

Қибрайлик фермер Султонбек Мамарасуловнинг 14 гектар ери бор. Ярмида ғалла, ярмида сабзавот етиштирилади. Ҳар йили ғалла пишиб етигандан марказий ёки муқобил машина-трактор паркидан комбайн ёллашга тўғри келади. Аммо, комбайннинг келишини навбат билан кутиш керак бўлади. Агар ўзининг комбайни бўлса, ғалласини хоҳлаган пайтда ўриб-янчиб олаверарди.

Фермер шуларни ўйлаб, "Савдогарбанк"ка мурожаат қилди. Банкдагилар уни қўллаб, лизинг йўли билан "Класа доминатор-130" комбайнини сотиб олишга ёрдам берди.

– Банк 7 фоизли кредит ажратди, – деди фермер хурсанд бўлиб. – Яна бир қулай жиҳати шуки,

қарзни 10 йил ичида узишим керак. Ҳисоб-китобимизга қараганда, анча эрта қутулиш имконияти миз бор. Масалан, янги

СУРАТДА: (чапдан) фермер Султонбек Мамарасулов, бош оператор Зоир Абдуқодиров ва транспорт тракторчи ҳайдовчиси Маҳмуд Қодиров янги комбайн ғалласи қисқа муддатда саранжомлаб берганидан мамнунлар.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ТАНЛОВ

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишни яхшилашга хизмат қилувчи кўрик-танловлар касба уюшмалари вилоят ташкилотлари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Бирлашма кенгаши яқинда унинг натижалари ҳақида қарор қабул қилди.

БАКИЛЛАРИМИЗ
ҒОЛИБЛАР
ОРАСИДА

"Максам-Чирчик" очик акциядорлик жамияти касба кўмитасининг бу борадаги фаолияти энг яхши деб топилди, бу ташкилот биринчи даражади диплом ва энг кам иш ҳақининг 8 баравари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

"Бекободцеттамир" масъулияти чекланган жамият касба кўмитаси иккинчи, Ангрен шаҳридаги 28-умумтаълим мактаби касба кўмитаси учинчи ўринларни эгаллади. "Тошкент ИЭО" унитар корхонаси, "ОКМК" га қарашли марказий таъмирлаш заводи, Чирчикдаги "Дека" масъулияти чекланган жамият касба кўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялари ҳам тегишлича, биринчи-учинчи ўринларга лойиқ топилди.


"Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил" номинациясида хорижий инвесторлар иштирокидаги "Янгийул ёғ-мой" очик акциядорлик жамияти ходими Абдуғани Шералиев ғолиб бўлди. "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасидан Бахриддин Саидов билан Оққўрғон туман кўп тармоқли марказий полилиникасидан Холлида Парпиева иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Шу кунги республика кўрик-танлови якунлари ҳам эълон қилинди. Чирчикдаги "Максам-Чирчик" корхонаси касба кўмитаси учинчи, Бука пахта тозалаш корхонаси касба кўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси иккинчи ўринни эгаллади.

Барча мукофотланганларга дипломлар ва пул мукофоти олиб топилди. **Жўрабек МҲРОДОВ.**

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

МУКАММАЛ ТАРЖИМОН



Кейинги йилларда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида турфа дарсиклар, ўқув қўлланмалар ва турли хил лугатлар қўллаб ёзилмоқда. Ўқув усудий адабиётларнинг янги авлодини яратишга фаолиятини таъминлаш эса "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

энг муқаддас мақсад, деб билади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари Ш. Бўтаев ва М. Ирискуловларнинг "Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча" лугати академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқитувчиларидан ташқари инглиз тилини мустақил ўрганувчилар, олий ўқув юртиларига киришга тайёргарлик кураётганлар, талабалар, таржумонлар, шунингдек, инглиз тили соҳасида ишлаётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда хорижий давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, шу билан бирга хорижий тилларни талаба-ёшларга ўқитиш ва уларни мукаммал билишда турли хил лугатларнинг янги авлодини яратиш муҳим ўрин

тутади.

Мазкур лугат 60 000 сўз ва 10 000 иборани ўз ичига олиб, унинг таркиби қуйидаги лисоний бириклардан иборат. Аввало, лугат таркибида сўзлар алфавит тартибда берилган бўлиб, у ерда сўз туркумларига оид тўб ва ясама сўзлар киритилган. Сўзларнинг маъноларини янада яхшироқ очиб бериш учун, сўзлар гап таркибиде ифода-ланган. Лугатда тилининг лисоний хусусиятлари ҳам инобатга олинган. Масалан, у ерда синонимия ва омонимия масаласига ҳам катта эътибор берилиб, маънодош сўзлар мустақил равишда семантик тасвирланган.

Маълумки, сўзларнинг тўб маъносини билишда уларнинг маъно моҳияти катта аҳамиятга эга. Бунинг ҳисобига лугат муаллифлари ҳозирги инглиз адабий тилида кенг қўлланиладиган сўзларнинг маънолари, улар-

нинг гапда қўлланиши ва атамаларнинг луғавий маъноларини кенг очиб беришган.

Лугатда фразеологик бирикларга ҳам кенг ўрин берилган. Фразеологик иборалар таркиби оломош, сон ёки ёрдами сўзлар орқали ўз ифодасини топади. Шунингдек, сўзларнинг грамматик хусусиятларига ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, отлар, сифатлар, сонлар, оломошлар, феъллар, равишлар, шунингдек, талаффуз ва ургулар, лисоний бирикларнинг моҳияти ва уларни ифодалайдиган турли маънолар мажмуаси лугатда кенг тўшунтирилган.

Бир сўз билан айтганда, Ш. Бўтаев ва М. Ирискуловларнинг "Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча" лугатини, назаримизда, охириги йилларда республикада тузилган мукаммал лугат, деб ҳисоблаш мумкин.

Ишонимизки, лугат қўллаб китобхоналар ва талаба ёшларнинг яқин ҳамроҳига айланади.

Жамолдин ЁҚУБОВ,
филология фанлари,
доктори, профессор.

Пекин шаҳрида миллий либосларга бағишланган ўтказилган XIII Халқаро Хитой маданият ва дўстлик фестивалида XXРнинг турли университетлари таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбек талабалари ҳам иштирок этди.

ТАЛАБАЛАР
ПЕКИНДА

Мазкур тадбир Хитой Халқаро маданият ва дўстлик фестивали ва Шанхайдаги Жаҳон ЭКСПО – 2010 ташкилий қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Пекин олий ўқув юртиларида таълим олаётган ўзбекистонлик ёшларнинг чиқишлари фестивалнинг ёрқин ва эсда қоларли воқеаларидан бири бўлди. Юртимиз ёшлари Хитойнинг Тил ва маданият, Синхуа, Халқаро бизнес ва иқтисодиёт университетида таълим олишди.

Ушбу фестивалда ўзбек талабалар халқ рақсларини ижро этиб, миллий либослар, сўзанапар, кулолчилик буюмларини намойиш қилишди, ўзбекона чой ичиш удувларини тақдим этишди.

"Туркистон-пресс".

НУҚТАИ НАЗАР

ШАРТНОМА ПУХТА ТУЗИЛГАНИ МАЪҚУЛ

Маълумки, қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва хўжалик юретиш шакллари тубдан ўзгарди. Махсулот ишлаб чиқариш, тайёрлов, қайта ишлаш, сақлаш, қозоқлаш, хизмат кўрсатиш, таъминот, савдо-сотик, молия ва пажорат тизимини ўз ичига олган янги самарали инфратузилма тизимини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш аграр тармоқда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Хўш, инфратузилма объекти, айниқса машина-трактор парки, агрофирма, зооветеринария каби субъектларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, дебитор ва кредитор қарзларини қамайтириш бора-сида уларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, махсулот ишлаб чиқарувчилар билан хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги шартнома муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши талаб даражасида?

Бизнингча, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналарини ривожлантиришда қуйидаги қамчиликларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, инфратузилма субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномаларни аниқ бир тизим асо-

сида тузилмаслиги натижасида томонлар ўз мажбуриятларининг бажарилишига масъулиятсизлик билан қарашмоқда. Инфратузилма субъектларида сарф-харажатлар устидан доимий мониторинг олиб борилмапти. Бундай субъектларда кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича аниқ ҳисоб-китоб юритилмаслиги натижасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ошиб кетмоқда.

Шунингдек, инфратузилма субъектлари раҳбарлари ва бош мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш, заҳира кадрларни тайёрлаш бора-сида аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати тўғилмоқда. Бу ўз-ўзидан инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизмат нархларининг ошишига, сифати пасайишига, моддий ресурслар эса керакли микдорда, ўз

вақтида етказиб берилмаслиги олиб келмоқда.

Ваҳоланки, фермер хўжаликларига сифатсиз хизмат кўрсатиш ёки зарур моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бермаслик ҳосилдорликнинг қамайиб, пировард натижада хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигига путур етказиши ортиқча изох талаб этмайди.

Умуман, қишлоқ хўжалик махсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, энг аввало, фермер хўжаликларига инфратузилма субъектларининг самарали хизмат кўрсатиши ва таъминотчи корхоналар томонидан моддий ресурслар ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ.

Сир эмас, қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника базасини мустаҳкамлашда лизинг муносабатлари асосий омил ҳисобланади. Аграр саноат тизимида ҳам лизинг муносабатларини ташкил этиш, ускуна ва техника сотиб олиш устувор йўналишларининг шаклланиши ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу ускуна ва техникадан фойдаланиш, уни таъ-

мирлаш ёки унга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ лизинг хизмати соҳаларини ривожлантириш ва рақобатбардор махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик корхоналарининг сезиларли қисмининг молиявий ҳолати нобарқарорлигини, инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлигини ҳисобга олиб, уларнинг фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни ривожлантириш зарур.

Бир сўз билан айтганда, фермер хўжаликларининг фаолият самарадорлигини уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, қозоқлаш корхоналари ва бошқа бича хўжалик субъектлари билан бўлидиган шартномавий муносабатларини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда амалга оширишларига боғлиқ.

СОБИР ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиши академияси
тингловчиси.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

ИШ БЕРУВЧИ ҚОНУНДАН
ХАБАРДОРМИ?

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳуқуқий билимдонлик ва ҳуқуқий маданият алоҳида аҳамият касб этади. Афсуски, иш берувчилар, ходимлар билан ишлаш бўлимлари хизматчилари, ҳисобчилар, ҳатто ишловчиларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи айрим касба ташкилотлари етакчиларининг бу борадаги малакаси етарли эмас.

Шунинг оқибатида меҳнат муносабатларига оид амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган қоида ва талабларга риоя қилмаслик ёки уларни тўғридан-тўғри бузиш ҳоллари учраб турибди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ва касб касалига чалинганда зарарини қоплаш тўловлари вақтида берилмаётган ҳоллар ҳам оз эмас.

"Саноат-уй-энерготириш" шўъба корхонаси Ш. Ҳасанинага етти ой муддат учун зарарини қоплаш тўловини пайсалга солди. Фақат касба идоралари аралашувидан кейингина масала ижобий ҳал қилинди.

– Ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор қилинган, уларга меҳнат дафтарчаларини бериш кечиктириб юборилаётгани ҳақида мурожаатлар қўл, – деди касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова кенгаш мажлисидаги маърузасида. – Таълим муассасасида содир этилган шундай бешта ҳолатнинг ўзида мажбуран ишламай юрган кунлар учун тўловлар 2 миллион 405 минг сўмдан ошиб кетди.

Касба ташкилотлари сайланма идоралари ва бошқа тузилмаларида ҳодим, талаба ва ўқувчи-ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг аҳволи ва на-вбатдаги вазифалар муҳо-кама қилинган бу мажлисда юқоридаги сингари ми-соллар келтирилиб, қамчи-лик ва нуқсонлар чуқур таҳлил қилинди.

Ҳуқуқий билим ва маданиятни оширишга бунчалик эътибор қаратилганлиги беҳиз эмас. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, юқсак даражадаги ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлатнинг белгисидир. Шу боис ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий мада-ниятини ошириш, ҳуқуқшу-носларни тайёрлаш тизими-ни тақомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишни яхшилаш, Жа-миятда ҳуқуқий мадания-ти оширишнинг миллий дастурида белгиланган ва-зифаларни тўла баҳарши долзарб масалаларга айлан-моқда. Маърузачи ва но-тиқлар касба уюшмалари вилоят, шаҳар, туман ва бошланғич ташкилотлари-нинг фаолияти бу борада алоҳида ўрин тутаёт-ганилигини кўрсатиб ўтиш-ди. Касба кўмиталари, кенгашлар ва вакилликлар-

нинг маҳаллий ҳокимлик-лар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, адлия ва меҳнат идоралари билан ҳамкор-ликдаги саъй-ҳаракатлари қўлама кенгайяпти. Ҳуқуқий билимлар тарғиботида хил-ма-хил шакл ва усуллар уйғунлиги фуқароларнинг барча қатламларида ижтимоий-ҳуқуқий маданият даражасини кўтариб, фаол-лиқни қучайтиришга хизмат қилаяпти.

Мажлисида тармоқ касба идораларининг омма-вий ахборот воситалари-дан фойдаланиш, омма-вий тадбирлар – маъруза, давра суҳбатлари, семи-нарлар ташкил этиш ама-лиёти, ҳуқуқий маслахатхо-налар, касба идоралари-нинг ҳуқуқий бўлимлари-ни фаолияти атрофлича таҳ-лил қилинди.

Лекин мажлисда кўрса-тиб ўтилганидек, кўпгина корхона, ташкилот ва му-ассасаларда юридик хиз-мат талаб даражасида эмас. Маъмурлар, хўжалик ходимлари, ҳатто, ҳуқуқшу-носларнинг ўзлари "Меҳ-нат Кодексини" тўлиқ би-ласлиги ёки амалда қонун талабларини четлаб ўтиш ҳоллари қамаймаяпти. Кейинги ўн олти ойда юқори касба идоралари мутахассисларидан 340 аъзо ташкилотдаги ахвол билан танишиб чиқишди. Маълум бўлдики, агро-саноат мажмуи, енгил, ме-бель саноати ва коммунал хизмат, қурилиш, метал-лургия ва машинасозлик тармоқлари касба ташки-лотларида бу масалаларга етарли эътибор қарати-лмаган. Янгийул шаҳри, Зангиота, Бекобод, Ян-гийул туманлари марказий касалхоналарида ички меҳнат тартиби қоидала-рини, таътил ҳақдалла-рини олдиндан тасдиқлаш масалаларида ўзибўларчи-ликка йўл қўйилган.

Мажлисида Ангрен шаҳ-ри, Чиноз ва Тошкент ту-манларидаги айрим касб-хунар коллежлари, Бўка туман солиқ нозирлиги, касба уюшмаларининг баъзи шахар ва туман ту-зилмаларида ҳам шу син-гари ҳолатлар содир бўлганлиги кескин танқид қилинди.

Мажлис ходимлар ва ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан иш-лашни яхшилашга қара-тилган қарор қабул қилди. Шунингдек, касба уюшмалари фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

Жўра САДУЛЛАЕВ.

НИГОХ

ТЕКИН ЛУҚМА
ҚАРМОҚДА БЎЛАДИ

Бугун Тожикистон Республикаси иқтисодий салоҳияти суст, аҳоли турмуш даражаси паст мамлакат ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, бунга ички фукоролар уруши сабаб бўлди. Собiq иттифок тутагач, мустақил яшаш ва ривожланишнинг барча имкониятларини ҳам шу бемаъни уруш барбод этди.

Тўғри, бундай сабаблар рўйхатида давлат бошқаруви тизимидаги қатор камчилик ва нуқсонлари ҳам кiritиш мумкин. Бироқ, ҳозир гап бошқа муаммо ҳақида бораётгани, унга бепарво, менсимай қараш мамлакатни мафқуравий таназзулга олиб келиши ҳеч гап эмас. Чунончи, фукоролар уруши тугаганидан сўнг болаларни нафақат ислом қонун-қоидалари, балки бошқа фан соҳаларида ҳам ўқитиш учун интеллектуал салоҳият ва профессор-ўқитувчилар етишмай қолди. Ахвол шундай ночор бўлиб турганда Тожикистонга Эрон Ислам Республикасидан кўплай ўқитувчилар кела бошлади. Улар мамлакат ҳукумати мактабларда тожик болаларини ўқитиш юзасидан ўз хизматларини тақдир этишди. Бироқ ўшанда мамлакат раҳбарлари бу "холос хизмат" кейинчалик нималарга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етмадилар...

Шундай қилиб, бугун Тожикистон ҳукумати кенг тарқалиб бораётган эронча мафқурага қарши қатъий кураш чораларини кўраётганига қарамай, мамлакат аҳолиси орасида шиалик маъзолини қабул қилаётганлар кўпайиб кетаяпти. (Ҳоким Абдурашид) масжиди Душанба шарида шиаликни тарқатиш бўйича мафқуравий марказ бўлиб қолаяпти. Уни Эроннинг Тожикистондаги элчихонаси молиявий қўллаб турибди.

Бундан ташқари, кейинги пайларда Душанба шаҳридаги "Қозийте Калон" биноси ёнида жойлашган мадраса ҳам Тожикистон ёшлари орасида катта нуфузга эга. Бу мадрасада талабалар исломнинг шиалик маъзолини йўналиши бўйича ўқитилади. Эрондан келган 15 дан зиёд ўқитувчи шу мадрасада дарс беради. Мадраса 150 ўқувчи мўлжалланган. Бироқ шиалик маъзолини хуш кўрувчилар қўлғили муносабати билан ҳозир 200 талаба таълим-тарбия олаяпти.

2010 йилгача мадрасага ўрта мактабларнинг 9-синфини битирганлар қабул қилинади. Аммо бу йилдан

ҲАМИН МАЪРУПОВ.
Центр Азия.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 5

СЕШАНБА 6

ЧОРШАНБА 7

ПАЙШАНБА 8

ЖУМА 9

ШАНБА 10

ЯҚШАНБА 11

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"

7.10 "Икки тақдир". Т/с.

7.50 "Тонгги наволар".

8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".

8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.

9.45 "Бизнинг кутубхона".

10.05 "Тайёрланмаган дарслар мамлакат". М/ф.

10.55 "Сизнинг адвокатингиз".

11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".

11.15 "Радиога ташриф".

11.30 "Қишлоқ ҳаёти".

11.50 "Юртим бўйлаб" дастури.

12.00 "Паландар жиплари".

13.00 "Миллий кино: Пийеда".

14.00 "Ватанпарвар".

15.05 "Олам ва одам" дастури.

16.05, 00.15, 5.45 "Очун".

16.15, 00.35 "Менинг оилам".

16.40, 5.25 "Икки дарё оралиғида".

17.15 "Одил суд".

17.40, 2.35 "Олтин мерос".

18.15 "Ёмғир симфонияси". Т/с.

18.50 "Ифтихор".

18.55, 2.45 "Ватан манзиллари".

19.00 "ТВ - шифокор".

20.10 "Сериял "Умр манзаралари".

20.45 "Ватанимни куйлайман".

21.40 "Анджон ташаббуси".

22.00 "Қирол ва мен". Т/с.

22.45 "Уч ранг: кўк". Б/ф.

4.35 "Мен ёшликман".

4.50 Телетеатр: "Бор".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"

6.40 "Рўзгор мактаби".

7.10 "Мультипанорама".

7.50, 19.30 "Қумуш". Т/с.

8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".

9.00 "Yoshlar-FM".

9.30 "Тасвир ва таассурот".

9.50 "Огоҳ бўлинг!".

10.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".

10.30 "Даврининг боласи".

10.40 "Сехрли тош". Т/с.

11.50 "Кўнгил боғи". Т/с.

13.00 "Эулифа издошлари".

13.10 "Айланай".

13.30 "Кипталия".

14.00 Б/ф "Азиз".

15.00 "Келахак эгалари".

15.20, 4.20 "Тараннум".

16.10 "Муъжизавий дунё".

17.00 "Пуаро". Т/с.

17.50 "Болалар табассуми".

18.00 "Автопатруль".

18.20 "Миллий мультфильм".

18.30 "Келахак эгалари".

18.40 "Чемпион".

20.20 "Никоб". Х/ф.

21.00 "Салом шодлик, салом гам". Т/с.

22.30 Т/с "Калдирғочлар яна кайтади".

23.20 Футбол.

1.30 "Шарқ гавҳари".

3.10 "Ана Каренина". Б/ф.

5.00 "Афсона ва ҳақиқат".

5.50 "Юрт тинчилиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"

8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.

8.40, 17.15 "Карвонсарой".

8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.

9.10 "Истеъдод".

9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".

9.40, 20.20, 7.20 Бизнес-хати".

10.45 "Кавингтон Кросс".

11.10, 22.05 "Репортаж".

11.20 "Дек Жейн". Б/ф.

13.55, 19.50 "Йиларим".

14.00 "Дунё" теледастури.

15.45, 2.15 "Қоллоқлар". Д/ф.

16.45 "Чангалзор афсонаси". М/ф.

17.25 "Химоя".

18.25 "Кўнгил рилтаси". Т/с.

19.35 "Менинг маҳаллам".

20.30, 21.50 "Телекўрер-маркет".

22.00 "Будьте здоровы".

22.10 "Экономическое ревью".

22.20 "Кино SMS со звездами".

22.25 "Братия по крови". Х/ф.

00.25 "Перед дождем". Х/ф.

3.00 "Дурдона".

3.15 "Эртамиз эгалари".

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"

7.10 "Икки тақдир". Т/с.

7.50 "Тонгги наволар".

8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".

8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.

9.25 "Болалар дунёси".

9.55 Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси на-моиши этакди. "Жисмоний баркамоллик - гўзаллик рам-зи".

10.15 "Сизнинг адвокатин-гиз".

10.20, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.

11.15, 18.10 "Ёмғир симфонияси". Т/с.

11.45 "Ифтихор".

13.00, 20.10 "Сериял "Умр манзаралари".

13.35 "Андерсен эртакла-ри". М/с.

14.20 "Эркин иқтисодий".

14.40 "Анджон ташаббуси".

15.05 "Олам ва одам" дасту-ри.

15.15 "Хўш ҳаёт ва қонун".

17.15 "Эртаклар - яхшилик-ка етаклар".

18.00, 4.35 "Олтин мерос".

18.40 "Истеъмолий".

18.50, 00.40 "Навоийни ан-глаш".

19.10 "Шахсий фикр".

19.20 "ТВ - шифокор".

20.45 "Ватанимни куйлай-ман".

21.40 "Парламент вақти".

22.45 "Уч ранг: қизил". Б/ф.

00.20, 5.45 "Очун".

4.35 "Мен ёшликман".

4.50 Телетеатр: "Бор".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"

6.40 "Рўзгор мактаби".

7.10 "Мультипанорама".

7.50, 19.30 "Қумуш". Т/с.

8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".

9.00 "Yoshlar-FM".

9.30 "Тасвир ва таассурот".

9.50, 18.50 "UzEX".

10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".

10.30 "Даврининг боласи".

10.40 "Винни Пух". М/ф.

10.40 "Сехрли тош". Т/с.

11.50 "Кўнгил боғи". Т/с.

13.10 "Айланай".

13.30 Т/с "Оқуш".

14.20 "Ёшлар ва қонун".

14.40 "Ватанпарвар".

15.20, 4.20 "Тараннум".

16.10 "Муъжизавий дунё".

17.00 "Пуаро". Т/с.

17.50 "Болалар табассуми".

18.00 "Сирли ўрмонча".

18.20 "Миллий мультфильм".

18.30 "Келахак эгалари".

20.20 "13-студия".

21.00 "Салом шодлик, салом гам". Т/с.

22.30 Т/с "Калдирғочлар яна кайтади".

23.20 Футбол.

1.30 "Шарқ гавҳари".

3.10 "Ана Каренина". Б/ф.

5.00 "Афсона ва ҳақиқат".

5.50 "Юрт тинчилиги".

TOSHKENT

7.30, 13.00, 5.30 "Салом, Тошкент!"

8.20, 19.25, 21.15 Тошкент тароналари.

8.40, 16.20 "Карвонсарой".

8.40, 15.15 "Эсмеральда". Т/с.

9.10 "Менинг маҳаллам".

9.30, 10.30, 15.00, 18.00, 20.00, 21.30, 00.00, 5.00, 7.05 "Пойтахт".

9.50, 17.35, 6.30 "Сериял "Қирқ тоғарининг қирқ ногараси".

10.15 "Камер оркестрининг концерти".

10.45 "Кавингтон Кросс".

11.10, 22.05 "Репортаж".

11.20 "Дек Жейн". Б/ф.

13.55, 19.50 "Йиларим".

14.00 "Дунё" теледастури.

15.45, 2.15 "Қоллоқлар". Д/ф.

16.45 "Чангалзор афсонаси". М/ф.

17.25 "Химоя".

18.25 "Кўнгил рилтаси". Т/с.

19.35 "Менинг маҳаллам".

20.30, 21.50 "Телекўрер-маркет".

20.45 "Инсон матонати". Т/с.

22.00 "Репортаж".

22.10 "Кино SMS со звездами".

22.25 "Братия по крови". Х/ф.

00.25 "Перед дождем". Х/ф.

3.00 "Дурдона".

3.15 "Эртамиз эгалари".

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00, 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"

7.10 "Икки тақдир". Т/с.

7.50 "Тонгги наволар".

8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 "Ахборот".

8.40, 1.35 "Маънавият" дастури.

9.30 "Чорраха".

9.45 "Ягона оилада".

10.05, 22.00 "Қирол ва мен". Т/с.

10.45 "Шахсий фикр".

11.10, 19.20 "ТВ - шифокор".

11.15, 18.20 "Ёмғир симфонияси". Т/с.

11.50 "Истеъмолий".

13.00, 20.10 "Сериял "Умр манзаралари".

13.35 "Андерсен эртакла-ри". М/с.

14.20 "Дунё манзаралари".

14.40 "Тараққиёт ва фаро-онилик сари".

15.05 "Олам ва одам" дасту-ри.

15.15 "Тезкор хабарлар".

15.55 "Маҳалла".

16.25 "Мен ёшликман".

16.40, 5.25 "Икки дарё ора-лиғида".

17.15 "Юрт меҳри".

17.35 "Эртаклар - яхшилик-ка етаклар".

18.00, 3.00 "Олтин мерос".

18.45 "Бир жиноят қиздан".

19.10 "Шахсий фикр".

20.45 "Ватанимни куйлай-ман".

21.40 "Парламент вақти".

22.45 "Уч ранг: қизил". Б/ф.

00.20, 5.45 "Очун".

4.35 "Мен ёшликман".

4.50 Телетеатр: "Бор".

YOSHLAR

6.00, 11.10, 2.30 "Салом, ёшлар!"

6.40 "Рўзгор мактаби".

7.10 "Мультипанорама".

7.50, 19.30 "Қумуш". Т/с.

8.40, 12.40, 21.40, 23.10 "Ёшлик наволари".

9.00 "Yoshlar-FM".

9.30 "Тасвир ва таассурот".

9.50, 18.50 "UzEX".

10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 "Давр".

10.30 "Даврининг боласи".

10.40 "Винни Пух". М/ф.

10.40 "Сехрли тош". Т/с.

11.50 "Кўнгил боғи". Т/с.

ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Фотография – юртимиздаги турли жабҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, тинч, фаровон, соддатли кўнларимиз, юртимизнинг мафтункор табиати, бой маънавий меросимиз, баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилган эзгу саноат ҳақиқатларни ёрқин лавҳаларда акс эттирадиган санъатдир. Бу фотосуратчидан истеъдод, қобилият ва маҳорат билан бирга катта масъулият талаб этади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон фотографияси тарақиёти ва истиқболи" мавзuida ижодий-амалий конференцияда шулар ҳақида сўз борди.

Унда таниқли фотосуратчилар, санъатшунослар, мусаввирлар, санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Конференцияда фотосуратчиларнинг юртимиз ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ва масъулиятини янада ошириш, ўз асарларида воқеликни ҳолисона акс эттириш, оммавий ахборот

воситалари билан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фото санъати ривожланишига оид махсус наслар ташкил этиш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Тадбирда фотосуратга олишнинг замонавий воситалари, фотография жанрлари, ўзбек фотографиясида миллий руҳ, бугунги фотожурналистика каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференция доирасида ўзбек фоторассомларининг мустақиллигини мазмун-моҳияти, қадимий шахарларимиз, умбўқий анъана ва қадриятларимиз, ёшлар ҳаёти акс эттирилган суратларидан иборат кўргазмаси ташкил этилди.

Ў.А.

БЕКАЖОН

ОЛМАЛИ ҚИЁМ

Олманинг пўсти артимиздаги ўзбекистонлик бўлакларга бўлади. Сўнг гўшт қиймалагичдан ўтказиб, шакар аралаштирилади. (4-5 кг. олмага 1 кг. шакар). Қозонга ёки сирли идишга солиб, қайнатиб олинди. Сўнг қиздирилган газ дуҳовкасида идишнинг қопқоғи ёпилган ҳолда қўйлади. Урта оловда 2-3 соат давомда пиширилади. Вақти-вақти билан идишнинг қопқоғини очиб, қавлаб турилади. Тайёр қиём бўлак, қуриштирилган ширша банкларга иссиқликда солиниб, қопқоқланади.

БИЛАСИЗМИ?

Сувли сабзи харид қилмоқчи бўлсангиз учсиз, бўлигидан танланг.

Салат учун тўғралган олма, нок ва бошқа меваларга лимон шарбати сепилса, қораймайди.

Овқатга бир хил қўят солиш керак. Хар хил қўятни аралаштириб солганда, таомнинг таъми ўзгаради.

Лимон шарбати сиқиб олишдан олдин уни иссиқ сувга бир неча марта солиб олинг. Шунда шарбати кўп чиқади, ҳиди янаям хушбўй бўлади.

Консерваланаётган бодринг ўз рангини сақлаб қолишини истасангиз, иссиқ сувга ботириб олинг.

Картошка бўғда пиширилганда таркибдаги витамин тўлиқ сақланиб, таъми мазали бўлади.

Ёз ойларида полиз маҳсулотларини танлашда турли усулларни қўллаш мумкин. Хусусан, тарвузнинг ранги ялтироқ бўлса, чертганингизда тиниқ товуш чикарса, пишган бўлади.

Қовуннинг банди атрофи айланаси қанчалик кенг бўлса, шунчалик ширин, бармоқингизни босганда юмшоқлигини сезсангиз пишган ҳисобланади.

Ю. ФАЗЛИДДИНОВА тайёрлади.

Пискент туманидаги 5-умумтаълим мактабида Баркамол авлод йили муносабати билан "Отам, онам ва мен" шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

СПОРТДА ОТА-ОНАЛАР ИБРАТ

Унда туман мактаблари ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди. Мусобақа катнашчилари турли эстафета машқларини бажардилар.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин "Мўминобод" ва "Митан" маҳаллаларидан Абдухалилов ҳамда Турғуновлар оиласига насиб этди.

Соғирдорларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Дилноза САЙФУТДИНОВА.

БУНИ ҚАРАНГ-А!

Дарвоқе, турли байрамлар муносабати билан рангбаранг кўнглоочар дастурлар тайёрлаб, меҳр-муҳаббат, садқоқат, тинчлик мавзусидаги "Сўнгги лаҳза", "Абадий чархи", "Шаддод қиз", "Таҳдид" каби кинофильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Мавсумий режаларни ҳам тасдиқлаб олган "Ўзбекино" ёзги таътил бошланиши билан болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўл олади. "Геолог", "Машвал", "Камалак", "Алоқачи", "Нилуфар" оромгоҳларида намойиш қилинган "Чол ва набира", "Тоғда ўтган кувноқ ёз", "Кичкина табиб", "Катта ойи", "Абдуллажон" каби миллий фильмларимиз ҳам олувчиларга бир олам завқ бағишлади. "Бойчечак" оромгоҳида эса таниқли ёш кино юлдузлари Алишер Узоқов ҳамда Раъно Шодиева билан ижодий кеча уюштирилди.

Кичик ёшдаги болажонлар учун тақдим этилган "Етти жин", "Семург", "Ойдиной", "Тандир нон", "Айқча", "Сахий шахзода", "Азамат ва танбаллар" каби ўзбек мультфильмлари ҳам мароқ билан томоша қилинди.

Албатта, суратга олинган янги фильмлар шаҳар ва туман кинотеатрларида томошабинларга тақдим этилади. Хўш, вилоятда мажбур кинотеатрларнинг аҳоли, шарт-шароити бугунги кун талабига жавоб берадими? Улар барча қулайликлар, ке-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАНЗИЛЛАРИ

Қосим Қозиев ва Расул Юсуповлар мана ўн йилдирки ҳар ёз мавсумида Бўстонлик туманидаги "Хумсон" сўхатгоҳида дам олиб, соғликларини тиклаб қайтишади. Улар каби минглаб дам олувчилар аллақачон ушбу санаторийнинг афзалликларини англаб, бу масканга боғланиб қолишган.

Бу бежиз эмас, албатта. Денгиз сатҳидан минг метр баландликда жойлашган "Хумсон" вилоятимизнинг энг сўлим, соя-салқин гўшларидан ҳисобланади.

Бир пайтлар шунчаки дам олиш уйи ҳисобланган ушбу маскан, кейинчалик бир гуруҳ олимлар тадқиқотидан сўнг санаторийга айлантирилган эди. Ўшанда Хумсон қишлоғининг ҳавоси, иқлими, суви, табиий жойлашуви билан одамларнинг асаб, юрак, қон айланиш тизими, нафас йўли касалликларига даво эканлиги аниқланганди.

Шу-шу "Хумсон" санаторий сифатида фаолият юритиб келмоқда. Хар мавсумда бу ерда олти мингга яқин одам дам олиб, саломатлигини тиклайди.

Шунга яраша санаторийда мижозлар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида ҳар йили янги-янги қурилишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширил-



моқда, замонавий техника ва табиий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилмоқда.

– Бу ерда замонавий таш-хис, физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ ва игна би-

кушдек енгил ҳис этаёпман.

– Ўн йилдан буён ҳар ёзда "Хумсон"да дам олиб, саломатлигимни тиклаб қайтаман, – дейди Қосим Қозиев. – Хар сафари келганим-



лан даволаш, жисмоний бадантарбия, массаж, фитотерапиядан кенг фойдаланилади, – дейди санаторий директори Ҳўжамберди Режаев. – Шунингдек, даволанувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун замонавий шарт-шароитларга эга кутубхона, ёзги-қишқи томошагоҳ, спорт мажмуаси, дискотека, шарқона чойхона, суратхона, фитобар, бассейн, сауна ишлаб турибди.

– Қарийб беш йилдирки оёғим оғрийдиган, – дейди даволанувчи Едгора Пулатова. – Бу дарддан анча азият чекдим. Санаторийдаги шифокорлар дардимга малҳам бўлишди. Ҳозир ўзимни

да бу ерда дам олувчилар учун янгилик қилинган, қўшмича қулайликлар яратилганига ғувоҳ бўламан. – Бу йил ҳам янги табиий техникалар келтирилди, – дейди бош шифокор Маъмуржон Саидхўметов. – Хусусан, умуртқа поғонаси хасталикларини даволаш учун мўлжалланган табиий ускуна, шунингдек, замонавий УЗИ аппарати шулар жумласидандир.

Айни кунда дам олувчиларнинг саломатлиги 6 нафар шифокор, 36 нафар ҳамширанинг назоратида. Санаторийда бир мавсум дам олиш 14 кун қилиб белгиланган. Шу муддат ичида

беморлар юрак ва қон айланиш тизимидаги хасталиклар, инсульт, инфарктдан кейинги асоратлар, гипертония, нафас йўли, бронхит, астма, сурункали бронхит, умуртқа поғонаси чурраси, белдаги жароҳатлар, остеохондроз, артроз ва артритлар, неврит ва невралгия, сколиоз, простата безининг сурункали яллиғланиши хасталиклари бўйича даво топмоқдалар.

Албатта, барча мижозларнинг кўнглини бирдек олиш мушкул. Аммо, санаторийнинг 200 нафарлик улкан жамоаси бу йўлда астойдил меҳнат қилишяпти.

– Кутубхонамизда бир минг икки юзта китоб бор, – дейди кутубхоначи Гавҳар Тиллабоева. – Асосан, дам олиш учун мўлжаллаб тўпланган китоб фондида сеvimли ёзувчи ва шоирларнинг асарлари жамланган. Шунинг учун ҳам бу ер доимо гавжум.

Угам-Чотқол тоғ тизмаларининг энг сўлим жойида, Угам дарёси бўйида жойлашган ушбу санаторий ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо, минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал. "Хумсон"га бир келинг, даволанинг. Ўзингиз барчасига ғувоҳ бўласиз.

Равшан РУСТАМОВ. СУРАТЛАРДА: санаторий дам олувчилари бу ердаги шароитлардан доимо миннатдор.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ҲАҚИҚАТИ

ҲАР ДАРНИНГ ЎЗ ШИФОСИ БОР

Кунига 7-8 грамм ялпизни эзиб, шакар ва асал билан аралаштириб ичилса, заифлашган буйракка малҳам бўлади.

Боши оғриган киши қизил атиргул ҳамда унинг япроғини қайнатиб, иссиқ ҳолда бошига суркаб юрса, оғриқдан тезда фориғ бўлади.

Ёнғоқнинг яшил пўстлогини янчиб, хина билан аралашган ҳолда бошга суртилса бу ҳам бошдаги оғриқни қолдириши мумкин.

Қизил сабзини сувда қайнатиб, сўнг унга асал қўшиб ейилса, қонни тозалайди, жигар фаолиятини яхшилайд.

Чаёни куйдириб, қулини кўзингизга суртсангиз, кўриш қобилиятингиз ошади.

Анжир шохининг ширасини кўзингизга суртсангиз ё томизсангиз, кўзингизни қорайтириб турган парда йўқолади.

ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН МАХСУС!

Ташкилот Воронежда тайёрланган 325 литр ҳажмдаги вакуумли куттер ва яхши ҳолатдаги гўштқиймаларига сотади. Куттер пичокларининг 4 та янги жамламаси ва гўштқиймаларига учун 2 та жамлама пичоклар тавсия этади.

Қафолат ва хизмат кўрсатиш муддати – 1 йил. Ҳақи пўл ўтказиш йўли билан туланади. Маълумот учун телефонлар: 724-70-00, 724-60-00.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ